КУТУБХОНАСИ
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

2009 ЙИЛ, 2 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 22 (11.333)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш маркази ташаббуси билан аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда демократик институтларнинг ролига бағишлаб уюштирилган давра суҳбатида ҳуқуқшунослар иштирок этишди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманида туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, ёшлар иштирокида ўтказилган ўқув семинарида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада ривожлантириш чоралари ҳақида сўз борди.

● **УЧТЕПА** туманидаги Журжоний маҳалласида маҳалла фаоллари, шифокорлар, ёшлар иштирокида уюштирилган тадбир йод танқислигининг олдини олишнинг самарали усулларига бағишланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** экологик ҳаракати ташаббуси билан шаҳримизда эколог олимлар иштирокида ўтказилган давра суҳбати табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий омиллари масаласига бағишланди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар планетарийсида Халқаро астрономия йилига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди.

● **АЛИШЕР** Навоий номли киносаройда кино ихлосмандлари эътиборига кинорежиссёр Ёлқин Тўйчиев етакчилигида ўзбек киноусталари томонидан яратилган «Сукунат» бадиий фильми намойиш этилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида миллий симфоник оркестрининг концерти бўлиб ўтди.

● **ҲАМЗА** туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ўрта мактабларнинг ўқитувчилари иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Ислоҳотлар даврида миллий истиқлол ғоясининг аҳамияти» деб номланди.

● **УСПЕНСКИЙ** номидаги республика махсус мусиқа академик лицейида педагоглар иштирокида мусиқа санъатини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги 130-меҳнат мактабида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган хайрия тадбири «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман таянч маскани ҳамкорлигида уюштирилди.

● **124-МАКТАБДА** ўтказилган хайрия тадбирида Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номидаги маданият уйи бадиий ҳаваскорлик жамоалари тўгараклар, ўқув курслари раҳбарлари, аъзолари иштирок этишди.

● **ШАҲРИМИЗДА** каратэ-до бўйича қизлар ўртасида «Тўмарис қизлари» деб номланган фестивал уюштирилди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*



**БУНЁДКОРЛИК КЎЛАМИ ВА СИФАТИДА, КЎРКАМ ВА МУСТАҲКАМ, ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ ИНШООТЛАРНИ ҚУРИШДА БУГУНГИ КУН ТАЛАБИГА МОС ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ БОРКИ, БУ АЛБАТТА, ҚУРУВЧИЛАР МЕҲНАТ МАҲОРАТИНИ НАМОЁН ЭТАДИ.**



*Саноат*

## БУГУНГИ КУН ТАЛАБИГА МОС МАҲСУЛОТЛАР

Айниқса, қад ростлаган бинолар томларини ёпишда қўлланилаётган замонавий том ёпиш ашёлари — черепицалар ўрнатишга қулайлиги, кафолат муддати узоқлиги, ҳар қандай об-ҳаво шароитига чидамлилиги, турфа ранглари билан бугунги кун талабига жавоб бермоқда.

«DESK-INVEST» Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонасининг ташкил этилганига 5 йилдан ортди. Корхонага аввало ички бозорни сифатли қурилиш ашёси билан таъминлаш учун хорижий давлатлардан технологик дастгоҳлар келтирилди, уларнинг қувватидан самарали фойдаланиш мақсадида малакали кадрлар тайёрланди. Бугунги кунда улар ишлаб чиқараётган металл черепица ва профилланган томёпқич ашёлари сифати билан буюртмачиларни жалб этмоқда, қурилиш майдонларида улардан кенг фойдаланилмоқда. Мазкур қурилиш ашёлари турар жой бинолари, турли ташкилот, идора ва муҳташам иморатларга, муассасаларга ўзгача чирой бағишлаши баробарида, мустаҳкамлиги, ўрнатишга қулайлиги билан эътиборлидир.

— Цехларимизга ўрнатилган технологик жиҳоз Финляндиянинг жаҳонга машҳур «SINTECH» фирмасида ишлаб чиқарилган бўлиб, ушбу линия ишчи-хизматчиларимизга жаҳон андозалари даражасидаги черепица ва профилланган томёпқичлар тайёрлашда ниҳоятда қўл келмоқда, — дейди корхона раҳбари Шавкат Аҳмедов. — Бунда ишлаб чиқариш компьютер орқали бошқарилиб, икки линияда икки хил маҳсулотимиз ишлаб чиқарилмоқда.

— Рақобатбардош маҳсулотларни тайёрлашда аввало сифатли хом ашё муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам корхона тадбиркорлари хом ашё етказиб берувчи хорижий ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Бу эса буюртмаларни вақтида адо этишда эътиборга моликдир. Корхона мутахассислари 50 йиллик кафолат муддатига эга бўлган маҳсулотларини тайёрлашда Россиянинг Магнитогорск ва Новолипецк металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган хом ашёдан фойдаланади.

Жорий йилда имкониятлардан келиб чиқиб, маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини ошириш, ишлаб чиқаришга янада илғор технологияларни қўллашга интилаётган «DESK INVEST» чилар омилкорлик билан изланишмоқда. Мазкур изланишлар эса, албатта ишлаб чиқариш ҳажмида, буюртмалар ортишида аксини топиши, шубҳасиз. Шунингдек, тадбиркорлар ташқи бозорда ҳам муносиб ўрин эгаллаш, экспортни амалга ошириш учун музокаралар олиб боришмоқда.

**Нозима АКРОМОВА**



**СУРАТЛАРДА: корхонада тайёрланаётган замонавий томёпқич ашёлари мустаҳкам ва кўркам бўлиб, бунёдкорларга қўл келади.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА МАМЛАКАТИМИЗДА НАВҚИРОН АВЛОДНИ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА КАМОЛГА ЕТКАЗИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАР НЕГИЗИДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ, ОТА-ОНА МЕҲРИДАН БЕБАҲРА ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРГА ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИШ, САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ПУХТА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ОЛИШИ, ЖАМИЯТИМИЗДАН МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАШИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТНИ ЯРАТИШ МАСАЛАСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**

*Қарор ва ижро*

## ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

Бу борадаги вазифалар ижросида турли вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари фаол иштирок этаётир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2004 йилда ташкил этилган Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолияти бунинг далилидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган "Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори мазкур ташкилот фаолиятини янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда ёш авлод камолоти, истиқболи, таълим-тарбияси баробарида ижтимоий ҳимоя масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг қайта ташкил этилиши ижтимоий ва тиббий ҳимояга муҳтож болаларнинг ижтимоий мослашуви масалаларини мукаммал ўрганиш, уларни ҳал этиш юзасидан комплекс дастурларни ишлаб чиқиш, шунингдек, болалар ўртасида жисмоний имконияти чекланган, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳлар пайдо бўлишига олиб келадиган омилларнинг салбий таъсирини камайтиришга хизмат қилади.

Айни пайтда ушбу ҳужжат имконияти чекланган болалар билан ишлайдиган мутахассисларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, замонавий талабларни ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда, тизим самарадорлигини оширишга доир комплекс дастурлар ишлаб чиқишни янги, янада юқори поғонага кўтаради.

Алоҳида эътиборга муҳтож ўғил-қизларни ижтимоий ҳимоялаш, бу масъулиятли жараённи мувофиқлаштириш, изчил назорат ва таҳлил этиш, болалар саломатлиги, таълим-тарбияси билан боғлиқ долзарб масалаларни илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш, мавжуд камчиликларнинг ечимини топиш мазкур марказ фаолиятининг асосий йўналишларидандир.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директорининг ўринбосари Жамолиддин Фозиловнинг айтишича, айни пайтда мазкур марказда ижтимоий ҳимоя, таълим-тарбия, ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларига оид давлат дастурларининг ижросини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ўғил-қизларни ҳар томонлама муҳофаза этиш борасида зарур таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, уларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилишига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Марказ қошида ташкил этилган Ахборот-консалтинг хизмати болаларга психологик, ижтимоий-педагогик, дефектологик, логопедик, юридик, услубий, ахборот-таълим ёрдамини кўрсатиб келмоқда. Ўтган вақт мобайнида уч минг нафардан зиёд алоҳида ижтимоий кўмакка муҳтож ўғил-қиз ана шундай хизматдан баҳраманд бўлди. Салкам тўрт юз нафар ота-онага мазкур йўналишда услубий кўмак кўрсатилди.

Бу ерда фаолият кўрсатаётган мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларидан иборат Жамоатчилик кенгаши меҳр-эътиборга муҳтож ўғил-қизларни ижтимоий муҳофазалаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни мувофиқлаштириб боради. Кенгаш болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг мақбул йўлларини аниқлаш ва амалиётга жорий этиш, бу йўналишда устувор вазифаларни белгилаш, ёш авлодни ижтимоий ҳимоялаш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш юзасидан самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўтган вақт мобайнида марказ олимлари ва мутахассислари томонидан меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари руҳиятидаги психологик ҳолатларни ўрганиш, юртимизда ёш авлодни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг янги шаклларини жорий этиш бўйича самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Меҳрибонлик уйларида психологик-педагогик кўмак хизматини шакллантириш, ўғил-қизларнинг жамиятга интеграциялашуви жараёнини ўрганиш, уларни ижтимоий-руҳий қўллаб-қувватлашнинг илмий-услубий асосларини яратиш борасида қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди.

Ушбу лойиҳалар натижаси ўлароқ, ота-она меҳридан бебаҳра болаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича муқобил усулларни жорий этиш, уларни таълимнинг барча босқичи билан қамраб олиш, касб-ҳунарга йўналтириш ва иш билан таъминлашнинг самарали тизими шаклланди. Меҳрибонлик уйларининг психологик-педагогик, маънавий-маърифий йўналишлардаги фаолиятини янада яхшилаш, педагог ва психологлар, тарбиячи ва мураббийларнинг касб малакаси ва маҳоратини оширишнинг изчил механизми яратилди.

Олимлар, психологлар, ҳуқуқшунослар томонидан илмий жиҳатдан асосланган ушбу тавсиялар юртимиздаги мавжуд 28 меҳрибонлик уйи, 23 санаторий типидаги махсус мактаб-интернат, ижтимоий ва тиббий кўмакка муҳтож болалар учун мўлжалланган 89 махсус мактаб-интернатнинг педагог ва психологлари, ижтимоий соҳа мутахассислари томонидан амалиётга жорий этилмоқда.

Марказ томонидан тиббий имконияти чекланган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни аниқ ва манзилли тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш, инклюзив таълимни ривожлантириш юзасидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда ишлаб чиқилган илмий тавсиялар, инновацион ишланмалар ногирон болаларни ижтимоий-психологик реабилитация қилиш, жамиятга интеграциялашувини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Маълумки, ногиронликнинг олдини олишда гўдаклар саломатлигининг илк давридаги қатъий тиббий назорат муҳим аҳамиятга эга. Марказ томонидан бу йўналишда татбиқ этилаётган лойиҳалар тиббий имконияти чекланган ўғил-қизлардаги касалликларни барвақт аниқлаш, уларни даволаш, хасталик хавфини камайтириш, ижтимоий, тиббий ҳолатидан қатъий назар барча болаларнинг ўқиши учун тенг шароит яратиш имконини бераётир.

Қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилаётган форумлар, конференциялар ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий-тиббий, психологик-педагогик, ҳуқуқий жиҳатдан кўмаклашиш борасида тўпланган бой тажрибани оммалаштириш, илмий тавсияларни амалиётга изчил жорий этишда ўз самараларини бермоқда. Бундай тадбирлар хулосаларига кўра навқирон авлод манфаатларини таъминлашга, алоҳида эҳтиёжли болаларни муҳофаза қилишга доир қонунчилик базаси янада такомиллаштирилмоқда. Анжуманларда қабул қилинган таклиф ва тавсиялар ижтимоий соҳага йўналтирилган давлат дастурларининг қабул қилинишида катта аҳамиятга эга. Айни пайтда мунтазам ўтказилаётган ижодий лойиҳалар, фестиваллар, кўрик-танловлар, бадиий кўргазмалар ёш авлоднинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга, маънавий-интеллектуал дунёсини бойитишга хизмат қилаётир.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда ижтимоий-тиббий ҳолатидан қатъи назар, ёш авлод камолоти, истиқболи йўлида кўрсатилаётган доимий ғамхўрликнинг, юртимизда ҳар бир фарзанд меҳр ва эътиборда эканининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашининг «Аёллар қаноти» ташаббуси билан «Фермер аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий-ҳуқуқий билимларини оширишда ЎзЛиДеПнинг роли» мавзусидаги тадбир ўтказилди.**

● **Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги Жалабек қишлоғида аёллар хасталикларини даволашга ихтисослашган «Табобат –умид» соғломлаштириш маскани ишга тушди. Ушбу даргоҳ фидойи инсон Козимжон Раҳимов ҳомийлигида таъмирланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.**

● **Хўжайли туманидаги «Сардорбек» агрофирмаси инсон соғлиғи учун фойдали бўлган йодланган ош тузи ишлаб чиқаришга ихтисослашди. Ҳозир бу ерда «Бегойим» русумли йодланган ош тузи тайёрланмоқда. Бежирим қадоқланган сифатли маҳсулот туркумлари Қарши, Жиззах, Бухоро, Самарқанд ва Қўқон шаҳарлари истеъмолчиларига етказиб берилмоқда.**

● **Бугунги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятчилик, гиёвандлик, тери-таносил касалликлари жаҳон ҳамжамияти учун жиддий муаммога айланди. Ёшларни бу мудҳиш иллатлардан ҳимоялаш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида Ангрен шаҳрида «4 карра йўқ!» шиори остида шаҳар ёшларининг катта шоу концерти ташкил этилди.**

● **«Камолот» ЁИҲ Жиззах вилояти кенгаши Жиззах давлат педагогика институтида «Диний экстремизм нима?» мавзуида ёшлар билан учрашув ўтказди.**

● **Тўрткўл шаҳрида автомобилларни комплекс таъмирлашга мўлжалланган «Мастер» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Унинг бешта ихтисослашган цехида 25 нафар маҳаллий ёшлар иш билан таъминланди. Эҳтиёт қисмлар етарли бўлганлиги боис, қўшма корхонада ҳар куни юзга яқин автоуловларга сифатли техник хизмат кўрсатилмоқда.**

● **Тоғли Деҳқонобод туманидаги «Бешбулоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида замонавий услубда бунёд этилган спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.**

● **«Камолот» ЁИҲ Хоразм вилояти Кенгаши Урганч туманидаги ҳарбий қисмда «Камолот»дан янги туҳфа» лойиҳаси доирасида мусиқали дастур ташкил қилди. Тадбир давомида ушбу ҳарбий қисмда кўп йиллардан буён хизмат қилаётган ходимларнинг фарзандларига совғалар топширилди.**

### ЖАҲОНДА

● **Судан халқаро тинчликпарвар кучларнинг Дарфур музофотидан олиб чиқиб кетилишини талаб қилмоқда.**

● **Кеча Буюк Британияга Хитой Халқ Республикаси Бош вазири Вэн Цзябаонинг ташрифи муносабати билан Лондондаги Хитой элчихонаси атрофида Тибет мустақиллиги тарафдорлари томонидан норозилик намойиши ўтказилди. Полиция билан намойишчиларнинг тўқнашувларидан сўнг бир неча киши ҳибсга олинди.**

● **Кеча Покистонда Толибон жангариларига қарши уюштирилган ҳужум чоғида бир неча ўнлаб тинч аҳоли вакиллари ҳам ҳаётдан кўз юмди.**

● **Испания полициясининг Интерпол билан ҳамкорликда амалга оширган операцияси чоғида неаполитан мафияси — «Каморра» бошлиқларидан бири Антонио Кайатцо ва унинг ҳамтовоғи Франческо Симиоли Мадрид шаҳрида қўлга олинди. Ҳар икки жиноятчи икки йилдан бери қидирувда эди.**

● **Кеча Доғистондаги кафелардан бирида рўй берган отишма чоғида Унцукум тумани раҳбари К.Аҳмедов ва яна уч киши ҳалок бўлди.**

● **Кеча Коми Республикасининг Подъельск қишлоғидаги қариялар уйида чиққан кучли ёнғин натижасида 23 киши ҳаётдан кўз юмди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноий иш очилди.**

● **Гуантанамо қамоқхонасининг ёпилиши ва унинг биронта маҳбусининг АҚШ ҳудудида қолдирилмаслиги Европа Иттифоқи зиммасига катта масъулият юкламоқда. Зеро, ҳозирча фақат Франция ва Португалия маҳбусларни ўз қамоқхоналарига жойлаштиришга розилик билдирди.**

● **Япониянинг «Тойота» компанияси Шимолий Америка ва Англиядаги мингта иш ўрнини қисқартирмоқчи. Жаҳон бозорида компания автомобилларига бўлган талабнинг кескин камайиши мазкур қарорнинг қабул қилинишига сабаб бўлган.**

● **Мадагаскар пойтахти Антананариву шаҳри мэри Андри Рожуелинанинг мухолифатдаги рақиби отиб кетилгандан сўнг бошланган тартибсизликлар оқибатида камида 68 киши ҳалок бўлди. Шуларнинг 30 нафари пойтахтдаги савдо марказида рўй берган ёнғин туфайли ҳаётдан кўз юмган. Ушбу ҳодиса туфайли мамлакат президенти Равалуманана ҳам Жанубий Африка Республикасига уюштирган расмий ташрифини бекор қилиб, ортга қайтган.**

*Танловлар*

## ОСОЙИШТАЛИККА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЁТГАНЛАР

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАР ТУФАЙЛИ УШБУ ТИЗИМ ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ҲИМОЯЧИСИГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА. ЖУМЛАДАН, БУГУН ИЧКИ ИШЛАР ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА.**

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилдаги «Жиноятчиликка қарши курашда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги профилактика хизматининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ҳамда 2002 йилдаги «Милиция таянч пунктлари инфратузилмаси ва ижтимоий кўникма марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари соҳа ривожига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови ҳам маҳаллалардаги милиция таянч пунктлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда иш юритишларини таъминлаш, тартиб посбонларини халққа янада яқинлашиши, зарур вақтда тезкорлик билан ёрдам бериб, муаммоларни маҳалланинг ўзида ҳал этиш борасидаги ташкилий-амалий ишларни намунали йўлга қўйишга қаратилганлиги билан эътиборга моликдир.

Куни кеча шаҳримиздаги муҳташам «Туркистон» саройида ушбу танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов, Республика Хотин- қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари М. Зуфарова ва бошқалар сўзга чиқиб мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлиги остида суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган кенг қамровдаги ислоҳотлар ва уларнинг самаралари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, бугунги кунда республикамизда 3534 та милиция таянч пунктлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг 83 фоизи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан битта бинода фаолият олиб бормоқда, 82 фоизи атрофида спорт майдончалари, 73 фоизи ҳузурида турли тўгараклар, 67 фоизи атрофида эса кичик бизнес шохобчалари ташкил этилган. Маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссияси раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, посбонлар ва профилактика инспекторларининг ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб бораётганлари боис жойларда тинчлик ва осойишталик сақланиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликларнинг олди олинмоқда. Ўтган 2008 йилда Республикамиздаги 2694 та маҳаллада бирорта ҳам жиноятчиликнинг содир этилмагани фикримиз далилидир.

Танловда тўртта ҳудуд бўйича ғолиблар аниқланиб биринчи ўрин соҳиблари «Матиз» автомашинаси, иккинчи ўрин соҳиблари компьютер тўплами, учинчи ўринга эришганлар эса рангли телевизор ва дипломлар билан тақдирландилар. Шунингдек, «Маҳоратли ва матонатли профилактика инспектори», «Ёшлар ҳуқуқлари ҳимоячиси», «Бирдамлик ва ҳамжиҳатликда фидойи маҳалла раиси», «Тинчлик ва осойишталикда ташаббускор маҳалла посбони», «Маърифий- маънавий етакчи маслаҳатчи» каби бир қатор номинациялар бўйича ғолибларга ҳам диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

— Маҳалламиз аҳли билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётганимиз, бизга яратилган шарт-шароитлар, замонавий жиҳоз ва зарур алоқа воситалари билан таъминланганимиз муваффақиятларимиз омили бўлмоқда, — дейди танлов ғолиби, шаҳримизнинг «Ўзбекистон» маҳалласи 374-милиция таянч пункти профилактика инспектори, капитан Фахриддин Саидкаримов. — Мақсадимиз элимизга, юртимизга астойдил хизмат қилиб, тинчлик-тотувлик ва хотиржамликка муносиб ҳисса қўшишдир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**







**СУРАТЛАРДА: «Туркистон» саройида бўлиб ўтган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг Республика босқичидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ОНИКС» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ТУРЛИ ХИЛ БИЛЛУР МАҲСУЛОТЛАР ЎЗИНИНГ НАРХИ ВА СИФАТИ БИЛАН КЎПЧИЛИК ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР БЎЛМОҚДА.**

## «ОНИКС» МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБ ОШМОҚДА

Маҳсулотлар турини кўпайтириш борасида олиб борилаётган изчил ишлар самараси боис айни пайтда бу ерда мингдан ортиқ ассортиментдаги товар тайёрланмоқда.

— Маҳсулотларимизга талаб тобора ошмоқда, – дейди корхона раҳбари Жуманазар Салиров. – Буни 2008 йили корхонамизда маҳсулот экспорти 2007 йилдагига нисбатан 25 фоизга кўпайганидан ҳам билса бўлади. Жорий йилда ҳам ички ва ташқи бозорга чиқариладиган маҳсулотларимиз ҳажмини яна кўпайтиришни мўлжалламоқдамиз. Бозор ва харидор талабидан келиб чиқиб, саксонга яқин янги турдаги маҳсулот тайёрлаш режалаштирилган.

Корхонада маҳсулот сифати, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини янада ошириш мақсадида цехлар модернизация қилинмоқда. Шу кунгача тўртта янги печнинг ишга туширилиши самарадорликни ошириш баробарида қўшимча иш ўринлари яратиш имконини берди.

*Фармон ва ижро*

## ЎҚУВ ПУНКТЛАРИ МАВСУМГА ТАЙЁР

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ФЕВРАЛЬ-МАРТ ОЙЛАРИДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИЛГАН ВА СИНОВЛАРДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТГАН, СОҒЛИГИ ВА ОИЛАВИЙ ШАРОИТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАГИ ЙИГИТЛАР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ САФИГА ТАНТАНАЛИ РАВИШДА КУЗАТИЛАДИ.**

Ёш аскарлар армиямиз қўшинларининг ўқув пунктларига жойлашади ва у ерда бошланғич ҳарбий билим ва кўникмага эга бўлади. Шу боис, ўқув пунктларини мавсумга тайёрлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув дастурларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатда Қуролли Кучларимиз қўшинларининг ўқув пунктлари инфратузилмасини ривожлантириш, уларни моддий-техник ашёлар, замонавий талабларга мос кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси томонидан мазкур фармон ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Қўшиннинг барча ҳарбий қисм ўқув пунктларида ёш аскарларнинг ўқиши, яшаши, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириши учун зарур шарт-шароит яратилди. Жумладан, янги ўқув дастури ишлаб чиқилиб, спорт, отиш ҳамда саф тайёргарлиги майдонлари, синфхона, ётоқхона, ошхона шай ҳолга келтирилди.

— Ўқув пунктларимизда ёш аскарларга бир ой мобайнида дастлабки ҳарбий машғулотларни ўтадиган шахсий таркиб белгиланди, — дейди Қоровул қўшинлари бош бошқармаси вакили Алиёр Ҳайдаров. — Бунда йиғинга жалб этиладиган офицер ва кичик командирларнинг интеллектуал салоҳияти, тажрибаси ва қобилиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

*2009 — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили*

## ИЗЧИЛЛИК

**ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАР БИР ЙИЛГА АНИҚ НОМ БЕРИЛИБ, ШУ АСОСДА МАХСУС ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ХАЙРЛИ АНЪАНАГА АЙЛАНДИ. БУ ЖАРАЁНДА НАФАҚАТ ЙИЛ НОМЛАРИНИНГ УЙҒУНЛИГИ ВА ТАДРИЖИЙЛИГИ, БАЛКИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИДА БЕЛГИЛАНАЁТГАН ВАЗИФАЛАРНИНГ БИР-БИРИНИ ТЎЛДИРИБ БОРАЁТГАНИ, ҚАТЪИЙ ИЗЧИЛЛИК КАСБ ЭТГАНИ ВА ЮКСАК САМАРАЛАР БЕРАЁТГАНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА.**

Юртимизда Инсон манфаатлари йилида бошланган ишлар Оила йилида янги босқичда давом эттирилди. Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеи Соғлом авлод, Оналар ва болалар йилларида янада мустаҳкамланди. Узоқни кўзлаган ислоҳотларнинг нақадар ҳамоҳанглиги ва узвийлиги Қарияларни қадрлаш, Обод маҳалла йиллари давлат дастурларида яна бир бор жамоатчилик эътиборини тортди.

Ўтган йилларга назар ташланса, уларнинг замирида халқимизга хос асрий фазилатлар мужассам эканлигига гувоҳ бўламиз. Ён-атрофимиздагиларга меҳр-мурувват кўрсатиш, сиҳат-саломатлигини тиклашга кўмаклашиш, ҳомийлик қилиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш – буларнинг барчаси олдинги йиллардаги давлат дастурларида акс этибгина қолмай, кундалик ҳаётимизда ўз ифодасини топди.

Амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ўзгаришлар, аввало, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Куни кеча давлатимиз раҳбари яна бир муҳим ҳужжатга – "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорга имзо чекди. Мазкур қарор билан тасдиқланган дастурда белгиланган вазифалар ҳам изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, халқимизнинг, айниқса, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолининг фаровонлигини муттасил оширишга қаратилгандир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши кўп жиҳатдан қишлоқларимизнинг келажаги билан боғлиқ. Шунинг учун қишлоқ аҳлининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига ривож қўшиш, самарадорлигини ошириш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардандир.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2009 йилни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилар экан, бу борадаги муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида, аввало, қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, айни пайтда қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш, қуриладиган бино ва уйларнинг меъморий лойиҳаларини такомиллаштириш эвазига қишлоқларимиз қиёфасини замонавийлаштириш, транспорт, телекоммуникация хизматлари ва сервис, узлуксиз электр энергияси ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимизни модернизация қилиш ва маҳаллийлаштириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия йўналишида узоқни кўзлаб олиб борилаётган ишларни жадаллаштириш, қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтаришга алоҳида эътибор қаратилади.

Жорий йилда қишлоқ жойларда умумий фойдаланишдаги 1913,9 километр маҳаллий йўллар қайта таъмирланади, қишлоқ аҳлига автотранспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш учун қўшимча 67 янги йўналиш очилади.

Мамлакатимизнинг айрим ҳудудлари, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган аҳолига тоза ичимлик суви етказиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун Кегейли туманида 15,2 километр, Беруний туманида 61,2 километр, Қўшкўпир туманида 14 километр ичимлик сув тармоқлари тортилади. 2558,3 километр узунликдаги электр узатиш линиялари капитал таъмирланиши, 153,9 километр масофага янги линия ҳамда подстанциялар қурилиши қишлоқ аҳлини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш имконини беради. Айни пайтда қишлоқларнинг табиий газга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш мақсадида юқори босимли 854,5 километр, ўрта ва кичик босимли 1406,6 километр қувурларни капитал таъмирлаш мўлжалланмоқда.

"Ёшлар йили" давлат дастурига биноан бошланган кенг кўламли ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилади. 2009 йилнинг март-декабрь ойларида қишлоқ жойларда 168 болалар спорти объекти қурилади ва реконструкция қилинади. Ёш авлодга кўрсатилаётган юксак эътибор самараси ўлароқ 6 академик лицей, 164 касб-ҳунар коллежи, 65 умумтаълим мактаби бунёд этилади. "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида 46 қишлоқ врачлик пункти ҳамда 87 шифохона замонавий тиббий ускуналар ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланади.

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, хусусан, чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат объектларини ташкил қилиш ҳисобидан 140 минг янги иш ўрни очиш белгиланган. Аҳолининг қурилиш материалларига бўлган талабидан келиб чиқиб, жойларда цемент, ғишт, оҳак ва гипс ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг ишга туширилиши нафақат ушбу маҳсулотларнинг арзонлашуви, балки маҳаллий ёшларнинг доимий иш билан таъминланишига хизмат қилади.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида назарда тутилган бундай хайрли ишлар кўлами ғоят кенг.

Юртимизда босқичма-босқичлилик тамойилига асосланиб, изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар аслида қишлоқдан бошланган эди. Зеро, ҳали мустақилликка эришмасимиздан олдин, асосан ғўза экиладиган майдонлар ҳисобидан қишлоқ аҳлига томорқалар ажратилгани, таъбир жоиз бўлса, жуда катта шижоат ва мардликни талаб қиладиган фидойилик эди.

Ўша пайтдаги вазият қанчалик қалтис бўлишига қарамай, ер деҳқонни боқади, деҳқон эса ҳаммани, деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи, деган эзгу даъватлар ила бошланган ислоҳотлар натижасида аграр соҳада улкан ютуқларга эришилди. Жумладан, қишлоқда хўжалик юритишнинг янгича шакллари кенг кўламда жорий этилиши туфайли деҳқонлар нафақат ўзи ишлаётган ернинг, балки шу ерда етиштирилаётган маҳсулотнинг ҳам эгаси эканлигини ҳис қилиб, янада кўпроқ даромад олиш учун изланадиган бўлди. Бу эса қишлоқда ихчам саноат корхоналари ва цехлар бунёд этиш, касаначилик, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатадиган сервис тармоғини ривожлантиришга, қўшимча иш ўринлари яратишга замин ҳозирлади.

Озиқ-овқат экинлари, аввало, дон етиштиришни кўпайтиришга қаратилган алоҳида эътибор боис ғалла мустақиллигига эришганимиз, миннатсиз нонимизга эга бўлганимизнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканини бутун дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи муттасил ошиб бораётган ҳозирги пайтда янада теранроқ англаб етмоқдамиз. Буларнинг бари мустақил тараққиёт йўлимизда белгилаб берилган машҳур беш тамойилдан бири – давлат бош ислоҳотчи сифатида амалга ошираётган ишларимизнинг ёрқин самараларидир.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили учун белгиланган устувор вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши бу борада олиб борилаётган амалий ишлар кўламини янада кенгайтиради, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради. Зеро, бизнинг ҳар бир ишимизда изчиллик бор.

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

*Иқтисодиёт*

## ЗАМОНАВИЙ ДАСТГОҲЛАР МАДАДИДА

**ЮРТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА. ХУСУСАН, УЛАРНИНГ ЭРКИН ФАОЛИЯТ ЮРИТИШЛАРИ УЧУН ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ, ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ЮКСАЛИШИДА, УШБУ СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ИСЛОҲОТЛАР РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА. АЙНИҚСА, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ИЧКИ БОЗОРИМИЗДА СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ, ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР МУҚИМ ЎРИН ЭГАЛЛАЁТГАНИ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ.**

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Denta-Fici-plus» хусусий корхонаси жамоаси ҳам изланувчан, улар чиқараётган маҳсулотлар эса харидоргирлиги билан ажралиб туради. Ҳозирда мазкур корхона ишчи-хизматчиларининг самарали саъй-ҳаракатлари туфайли ички бозоримизга сифатли, чиройли, бежирим қадоқланган шампунлардан 10 хили, харидоргир косметик кремлар ва бошқа кўплаб турдаги парфюмерия маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Жумладан, ўтган йили (1 ойда 100 минг донадан зиёд — 100 миллион сўмлик) тиш пастаси ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишди, шу боис буюртмачилар сафи янада кенгайди.

Ҳеч қандай муваффақият ўз-ўзидан келмайди. Бунинг замирида узоқ изланиш, билим, куч-ғайрат, ташаббус ётади. Шунинг баробарида корхона ишчи-хизматчиларининг касб-маҳоратлари, цехларда ўрнатилган замонавий, хорижий технологик линия, дастгоҳ ва ускуналар ҳамда сифатли хом ашё ютуқлар омили ҳисобланади.

Жорий йилда ҳам мазкур корхона тадбиркорлари изчил изланишлар олиб боришмоқда. Улар маҳсулот турларини кўпайтиришни сифатга асосий эътибор қаратган ҳолда олиб боришни мақсад қилишган, хорижий дастгоҳ келтириб, янги турдаги харидоргир ювиш воситалари ишлаб чиқаришни режалашган.

## ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

**ХАРИДОР ТАЛАБИ АСОСИДАГИ РАҚОБАТБАРДОШ ТОВАРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА, АЛБАТТА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ИШ ЮРИТИШ, БОЗОРНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНОАТИДА ҲАМ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ДАВОМ ЭТАЁТГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЎРИНЛИ. ИЧКИ БОЗОРИМИЗДАН ХОРИЖНИКИДАН АСЛО ҚОЛИШМАЙДИГАН БЕЖИРИМ, КЎРКАМ, МУСТАҲКАМ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МЕБЕЛЛАР МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАМОҚДА.**

— Сифатли ва кўркам мебель маҳсулотлари фақат хонадонларимиз кўрки, файзи бўлиб қолмай, — дейди хусусий тадбиркор, уста мебелсоз Убайдулла Исроилов, — балки корхона, ташкилот, муассасалар, офис, олий ўқув юртлари, мактаб, коллеж ҳамда академик лицейлар, қўйингки, ҳамма-ҳамма жойда зарур бўлган ашёлардан ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда мебелларнинг замонавий, анъанавий тарзда, алоҳида таклиф-истак, мулоҳаза ҳамда махсус буюртма асосида тайёрланишига алоҳида эътибор қаратамиз.

Хусусий тадбиркор ҳозирда 4 нафар иқтидорли шогирдлари кўмагида ётоқхона термаси, шкаф, стол, стуллар, компьютер учун махсус столчаларни ламинад — замонавий, экологик тоза хом ашёни қўллаган ҳолда тайёрламоқда. Устанинг замонавий дизайндаги чидамли, мустаҳкам узоқ йиллар хизмат қилувчи мебеллари лицензияланган.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

*Тиббиёт*

## ШИФОХОНА ЯНГИ МАҚОМДА

**«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ ТАРКИБИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ КЕЛГАН ТИББИЁТ-САНИТАРИЯ ҚИСМИГА ШАҲАР КЛИНИК ШИФОХОНАСИ ДЕГАН МАҚОМ БЕРИЛДИ.**

Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳрида тиббиёт муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига биноан амалга оширилган бу хайрли иш транспортчилар сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин кўриниши бўлди. Бу ерда уюшма тасарруфидаги барча корхоналар ходимларига намунали тиббий хизмат кўрсатиш учун етарлича шарт-шароит яратилди. Пойтахтдаги бошқа транспорт корхоналари ҳайдовчиларини тиббий кўрикдан ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Шифохонанинг моддий-техникавий негизини жиҳозлаш учун 25 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

## МАРКАЗ – 10 ЁШДА

**«ОНА ВА БОЛА СКРИНИНГИ» МАРКАЗИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА ЎН ЙИЛ БЎЛДИ. «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЮЗАГА КЕЛГАН УШБУ ШИФОБАХШ ДАРГОҲДА БОЛАЛАРДА ИРСИЙ КАСАЛЛИК НАТИЖАСИДА КЕЛИБ ЧИҚУВЧИ АҚЛИЙ ЗАИФЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА ҲОМИЛАНИНГ ТУҒМА РИВОЖЛАНИШ НУҚСОНИ БИЛАН ТУҒИЛИШ ХАВФИНИ АНИҚЛАШ БОРАСИДА САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.**

Янги тиббий технологиялар ва малакали шифокорлар билан таъминланган марказда туғруққача диагностика қўйиш ва тиббий-генетик маслаҳатлар бериш кенг йўлга қўйилганлиги туфайли режадаги кўп тадбирлар ўз ижобий натижасини бермоқда.

## ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШТИРИЛДИ

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕРАПЕВТ ШИФОКОРЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИДА ҚЎШНИ РЕСПУБЛИКАЛАРДАН ҲАМ КЎПГИНА МУТАХАССИСЛАР ҚАТНАШДИ.**

Унда кейинги йилларда терапия соҳасини ривожлантириш, ички касалликларга тўғри ташхис қўйиш, даволаш-профилактика ишларини кучайтириш борасида олиб борилган жараёнлар сарҳисоб қилинди.

Ички касалликларда ташхислаш, даволаш ва тиббий реабилитацияга доир илғор тажрибалар ҳам оммалаштирилди.

**Акбар АЛИЕВ**

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ
2200
2009
ТОШКЕНТ

# ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА САРМОЯВИЙ САЛОҲИЯТИ

**ЖОРИЙ ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЯНА БИР ҚУТЛУҒ САНА — АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНАДИ. АВВАЛ ХАБАР БЕРИЛГАНИДЕК, КУНИ КЕЧА ШАҲРИМИЗДА ЎТКАЗИЛГАН «ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА САРМОЯВИЙ САЛОҲИЯТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО БИЗНЕС-ФОРУМ ҲАМ ҲЕЧ ШУБҲАСИЗ ПОЙТАХТИМИЗДА УШБУ СОҲА РИВОЖИДА ЎЗИГА ХОС ЎРИН ТУТАДИ.**









Бизнес-форум шаҳар ҳокимлиги, Иқтисодиёт ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилди.

Анжуман ташкилотчилари таркибининг нуфузи, шунингдек, аниқ танланган мавзу, албатта, биринчи навбатда кенг ишбилармонлар доираси эътиборини тортди. Форумда иштирок этишга истак билдирган хорижий меҳмонларнинг аксарияти ҳамкорлик бобида янги имкониятлар ҳақидаги ахборотлар ва маълумотлардан бевосита шаҳар маъмурияти, вазирлар, мутасадди тузилмалар раҳбарлари орқали воқиф бўлиш — бизнесда ишончни орттиради ва аввалидан мустаҳкам пойдевор қўйиш учун кафолат ҳам дея алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Айнан уларнинг фикрига қараганда, халқаро майдонда бундай амалиёт кўп ҳам қўлланилмайди, бизнес тадбирларида давлат вакилларининг қатнашиши эса ҳар қандай мулоқотлар очиқ ва мунозарали тарзда кечишига, тажриба алмашилиб, пировардида келишувга эришишга имконият беради. Шу ҳам маълум бўлдики, бундай эътиборга молик давраларда ҳаттоки бўлажак шериклар ҳам ўз манфаатларининг баъзи қирраларини сир тутиб эмас, балки бор имкониятларини очган ҳолда суҳбатда бўладилар.

Ўйлаймизки, нафақат хорижликлар, балки ўзимизнинг тадбиркорларимиз ҳам билдирган шундай фикрларни тўғри ва холисона тушунмоғимиз лозим. Ўз сармоясини киритиш ниятида бўлган ҳар бир тадбиркор киши ким билан иш бошлаётгани ёки бошлашини, албатта, яхши билмоғи лозим. Бу ҳақиқатга ортиқча изоҳ ҳам талаб этилмайди. Дарвоқе, форум, илгари урғу бериб ўтганимиздек, ўз даврасига бизга яхши маълум кўплаб компаниялар вакилларини ҳамда мамлакатимизда ўз ишини энди-энди бошлаётган ҳамкорларимизни, шунингдек, илк бор ташриф буюрган меҳмонларни ҳам чорлади. Албатта, маҳаллий тадбиркорларнинг ҳам эътиборидан четда қолмади. Ўз номи билан бизнес-форум ўзига хос тажриба алмашиш ва янги ҳамкорларни излаш майдони сифатида хизмат қилди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари учун эса ушбу тадбир давлатлар ўртасида боғловчи бўғин вазифасини ўтади. Дипломатларнинг айтишича, форум тафсилотлари ўз давлатларига етказилади ва дастлабки эришилган келишувлар бўйича ишбилармонлар делегациялари ташрифи уюштирилади.

Умуман олганда, анжуманда 500 дан зиёд турли йўналишда фаолият юритаётган ўзбекистонлик ва хорижий бизнес тузилмаларнинг вакиллари қатнашди.

... Халқаро таҳлилчиларнинг фикрига қараганда, ҳаттоки ривожланган давлат ҳам моддий ва молиявий имкониятлари бўла туриб, ҳеч қачон ташқаридан киритиладиган сармоядан воз кечмайди, албатта, қачонки унинг иқтисодиёти ривожига хизмат қиладиган бўлса. Унда, айтайлик, ўзининг ортиқча сармоясини ўз бизнесига эмас, балки бошқа давлат иқтисодиёти равнақи учун киритаётганлар нимадан манфаатдор? Бир қарашда, тушунарли, аммо вақти келганда, шундай саволлар ҳам бўлиб турар экан. Якка тадбиркорми ёки компания, шубҳа йўққи, биринчи галда бундан шахсий манфаатни кўзлайди. Аммо барибир ўз мамлакатининг обрўсини ҳам унутмаслиги турган гап. Бироқ таваккалчилик маъносида хавф ҳам йўқ эмас. Балки, шунинг учун бўлса керак, кўп ҳолларда том маънода бойлар ҳам сармояларини кредит, аниқроғи, қарз сифатида киритади. Бу эса сарфланган маблағнинг қайтарилишига кўпроқ ишонч туғдиради.

Юқоридаги мулоҳазаларни шунчаки эмас, балки форум пайтида кузатилган баъзи тафсилотлардан кўчирма деса бўлади. Уларни келтиришимиз боиси эса вақти-вақти билан кўпчилик фикрини чулғаб оладиган саволга жавоб бўлиши мумкин. Ҳар қандай сармоя — кредит кўринишида ёки бевосита киритилишидан қатъи назар, албатта, қайтарилиши билан манфаатли. Шундай экан, бу борада бизнинг тадбиркорларимизнинг имкониятлари қандай?

Ушбу саволга бизнес-форум давомида аниқ жавоб олинди: биз очиқ мулоқот ва ўзаро ҳамкорликка ҳар доим тайёрмиз. Бунинг учун салоҳиятимиз ҳам, имкониятларимиз ҳам етарлидир.

Ўзбекистон ўз танлаган йўли — мамлакатни модернизация қилиш ва жамиятни эркинлаштириш йўлидан изчил ва шахдам бормоқда. Давлатимиз Президентининг бу борадаги оқилона сиёсати натижаси ўлароқ бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг дастлабки, яъни айни мураккаб босқичларида ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан оғир вазиятларга дуч келмаганимизга шукр қиламиз. 17 йил ичида эришган ютуқларимиз эса республикамизнинг чекка-чекка ҳудудларида ҳам ўз аксини топганидан яхши воқифмиз.

Бу борада 2200 йиллик тўйига халқаро ҳамжамият билан бирга тайёргарлик кўраётган азим шаҳримиз ҳақида гап борганда, Тошкент барча жабҳаларда йирик давлатларнинг пойтахтлари билан бемалол беллаша олишига шубҳа йўқдир.

Албатта, биринчи навбатда шаҳарнинг мамлакатимиз ривожида, хусусан, барча иқтисодий кўрсаткичларда ўрни алоҳидадир. Жумладан, Тошкентнинг ялпи ички маҳсулот ҳажмида улуши 17 фоизни, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда — 14 фоизни, ташқи савдо айланмасида — деярли 36 фоизни ташкил этади. Ўрта ҳисобда йилига ишлаб чиқаришдаги ўсиш суръатлари 25 фоизга, экспортда – 20 фоизга тенг келмоқда. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ташқи бозорга чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар сифат кўрсаткичлари ҳам анча юқори бўлиб бораётир. Экспорт ҳажмининг 70 фоизини тайёр маҳсулотлар ташкил этмоқда. Бугунги кунда Тошкент юздан ортиқ дунё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларга эришган.

Умуман айтадиган бўлсак, кейинги йилларда мамлакатимиз муттасил ривожланиш даражасига чиққан. Иқтисодий ўсиш суръатлари тўққиз фоиздан зиёдни ташкил этиб, макроиқтисодий кўрсаткичлар тўлиқ таъминланмоқда. Ташқи савдо айланмаси ҳам барқарор даражада бўлиб, сўнгги уч йил ичида икки бараварга кўпайди: 2008 йилда 22 фоизни ташкил этган бўлса, бунда экспортнинг ҳажми 30 фоиздан ортиқ миқдордан иборат бўлди.

Форум давомида Валюта жамғармаси миссияси таҳлиллари келтириб ўтилди. Хусусан, мутасадди халқаро ташкилот томонидан Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш тўққиз даражада бўлгани тасдиқланиб, 2009 йил учун бу кўрсаткич етти фоизни ташкил этиши башорат қилинди.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ахборотига кўра, мамлакатимиз иқтисодчиларининг башорати 7-8 фоизга тўғри келмоқда. Бу эса аниқ ҳисоб-китобларга асосланган бўлиб, айни пайтда амалиётга кенг татбиқ этилаётган кўплаб янги инвестицион лойиҳалар ҳам инобатга олинган.

2008 йилда республика иқтисодиётига 2,8 миллиард долларга тенг, шу жумладан икки миллиарддан иборат тўғридан-тўғри сармоялар киритилган. Бу кўрсаткич сармояларнинг аввалги йилларга нисбатан 60 фоизга ошганини кўрсатади. Тошкент шаҳри бўйича эса ҳисобот йилида 1,1 миллиард долларга тенг инвестиция жалб этилган бўлса, шундан 35 фоизи хорижий ҳамкорлар ҳиссасига тўғри келаётир. Шу ҳам маълум бўлаётирки, инвестицияларнинг сифат кўрсаткичлари ҳам йил сайин ошиб бормоқда: уларнинг 70 фоизи тўғридан-тўғри сармоя бўлса, қолгани ҳукумат кафолати остидаги кредитлардир.

Бу борада Ўзбекистон 1998 йилдан буён Осиё минтақаси ва Россияда ўша даврда кузатилган инқироз ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қисқа муддатли кредитларни мутлақо инкор этгани муҳимдир. Натижада банк ва бошқа молия тузилмалари барқарор фаолият юритишига анча қулайлик юзага келди. Шу кунгача жалб этилган узоқ муддатли инвестицияларнинг 20 йил ва ундан кўп муддатга ва анча имтиёзлар кўзда тутилган ҳолда шартномалангани таърифланади.

Яна бир муҳим маълумот сармоядорларда катта қизиқиш уйғотди. Мамлакатимизнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 12 фоизни ташкил этади. Бу — минимал кўрсаткич бўлиб, яна бир бор иқтисодиётимиз барқарорлигини исботлайди.

Ўтган тўрт-беш йил ичида биргина Тошкент шаҳрида икки мингдан зиёд қўшма корхоналар ташкил этилгани, шулардан 800 дан ортиғи экспорт билан шуғулланишини инобатга оладиган бўлсак, бу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз иқтисодий алоқалар сари халқаро майдонга ҳам фаол киришиб бораётганидан дарак беради.

Аммо имкониятларимиз ҳали кўп. Бу ҳақда бизнес-форумда ҳамкорларимиз ҳар томонлама маълумотларга эга бўлиб, ўзларини қизиқтирган соҳалар бўйича шўъба йиғилишларида ҳам мутасаддилар билан музокаралар олиб боришди. Шаҳримизда кўп йиллардан бери фаолият юритиб келаётган хорижий корхоналар раҳбарлари анжуман минбари орқали ва ўзаро эркин мулоқотлар давомида эришган ютуқлари билан ўртоқлашар экан, юқорида билдирилган фикрларнинг айни ҳақиқат эканлигини яна бир бор эътироф этдилар.

**Сантош Кумар ДЖЕЙН,**
**«Спентекс» хорижий корхонаси бош директори:**

— Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида, айниқса юқори сифатли пахта толасини етиштиришда катта тажрибага эга. Шундай экан, давлатингиз раҳбарининг бу борада асосий ишлаб чиқариш негизини ҳам тўлиқ шакллантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини эътироф этмоқ лозим. Гап фақат ярим тайёр маҳсулотлар ҳақида эмас, балки пахтани чуқур қайта ишлашга эришиш, бу борада тўқимачилик ва тикув саноатига замонавий технологияларни жалб этиш орқали тайёр маҳсулотларнинг маҳаллий тарзда ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш вазифаси илгари сурилмоқда.

«Спентекс» ҳам бу даражага чиқишга ҳаракат қилмоқда. Айни пайтда пойтахтдаги ва Тошкент вилоятидаги корхоналаримизда беш мингдан зиёд ёшлар тўқимачилик йўналишида фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили четга 70 миллион долларга тенг маҳсулотлар экспорт қилинди. Ҳозирча йилига 145 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эгамиз. Икки ярим йил ичида бу ишларни амалга ошириш учун 80 миллион долларга тенг сармоя ўзлаштирилди. Ишлаб чиқариш қувватларини замонавийлаштириш ва янада кенгайтириш мақсадида қўшимча 10 миллион доллардан иборат инвестиция киритишни режалаштирганмиз. Яқин орада Марғилон шаҳрида ҳам фаолиятимизни бошлашга шайланганмиз.

Албатта, Ўзбекистон бозорида тажрибамиз унча катта эмас. Лекин холисона фикрим шуки, мамлакатингиз қисқа вақт ичида, хусусан, тўқимачиликни ривожлантиришда катта ютуқларга эришди. Ва яна бир бор таъкидлаб ўтиш ўринлики, бу саъй-ҳаракатларда бевосита мамлакат раҳбари ва ҳукуматнинг кўмаги катта. Ушбу йўналишда бир қатор миллий дастурлар жорий этилгани ҳам эътиборга молик. Шуни ҳам айтиш жоизки, мавжуд ички имкониятларингизда очилмаган қирралар бисёр. Масалан, қадоқлаш ашёлари маҳсулотни бозорга кўрсатишда муҳим мезон бўлишига қарамасдан, бу йўналишда ишлаб чиқариш унча ривожланмаган, эҳтиёж эса асосан импорт ҳисобига қондирилади. Демак, бу ҳақда ўйлаб кўриш зарурати бор. Импортдан иқтисод қилинган валюта маблағи эса мамлакатда имконияти чекланган нарсаларга сарфланса, фойдадан холи бўлмайди.

Корхонамиз мисолида шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, Ўзбекистонда юқори малакали кадрларни тайёрлаш масаласи давлат сиёсати даражасида амалга ошириб келинмоқда ва бугунги кунда тўлиқ ечимини топиб, ижобий натижаларни бераётир. Ўзбекистонлик ёшлар ўта қизиқувчанлиги боис ўрта махсус таълим олган бўлса ҳам, билими ўткир, юқори технологияларни тез ўзлаштириш қобилиятига эга. Бу таъриф корхонамизда ишлаётган ўғил-қизларингизнинг ҳаммасига ҳам тааллуқлидир.

**Дональд НИКОЛСОН,**
**Кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш Марказий Осиё жамғармаси раҳбари:**

— Бугунги кунда дунёда иқтисодий ва молиявий инқироз кузатилаётгани яхши маълум. Бунда ривожланаётган давлатларнинг иқтисодиёти ҳам таназзулга юз тутаётгани сир эмас.

Шахсан мени Ўзбекистоннинг бундай мушкул вазиятда тўғри йўл танлагани, бу борада авваламбор ижтимоий масалаларни ҳам инобатга олиб, нохушликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошираётгани ҳайратга солмоқда. Етти ўлчаб бир кесган ҳолда иш юритилаётгани шерикчилик муносабатларимизнинг янада мустаҳкамланиб, давомий бўлишига, қолаверса, сармояларни фаол киритишда кафиллик вазифасини ўташи ҳам, шубҳасиз.

Мамлакатингизда иш бошлаганимизга етти йил бўлди. Шу вақт ичида туризм, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича кичик бизнесни ривожлантиришга ёрдам кўрсатиб келмоқдамиз ва бу борада ўз ҳиссамизни янада кенгайтириш истагидамиз. Бизнес-форум айнан муносабатларимиз қирраларини янада кенгайтиришга йўл очиб беради деган умиддаман. Хорижий сармоядорлар учун яратилган шароитлардан келиб чиққан ҳолда тавсия этилаётган ҳамкорликдаги лойиҳалар ўзини соғлом рақобатга тайёр деб билган ҳар бир ишбилармоннинг эътиборини тортишига ишончим комил.

**Евгений ШЕВЧЕНКО,**
**«Ўзбекистон-Карлсберг» қўшма корхонаси бош директори:**

— Тошкентда пиво ичимлигини ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини йўлга қўйиш лойиҳаси 17 миллион доллар евролик сармояни ташкил этди. Бу борада дастлабки қадамни 2007 йилда қўйган бўлсак, 2008 йили биз учун анча самарали кечди — маҳсулотимизга бўлган талаб туфайли 12 ой давомида иш билан банд бўлдик. Ҳозирда ичимликнинг беш турини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик.

Корхонадаги 400 та иш ўринларига асосан ёшлар жалб этилган. Хом ашё ва бошқа зарур материалларнинг 60 фоизи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб берилади. Йилига 53 миллион литр маҳсулот чиқариш қуввати йўлга қўйилган. Бу — анча юқори кўрсаткичдир ва бунга эришишда, албатта, Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш таъминлангани, хорижий ҳамкор корхоналар учун берилаётган тизимли имтиёзлар асос бўлмоқда. Маҳсулотларимизни ўтган йили ташқи бозорга ҳам чиқариб улгурдик, жорий йилда ҳам бу борада буюртмаларимиз кўнгилдагидек. Режаларга келсак, улар юксак десам адашмайман. Яқин орада ишлаб чиқариш ҳажмини 40 фоизга кўтариш ниятидамиз. Шу орқали мамлакатингиз инвестицион салоҳиятининг янада ортишида киритаётган ҳиссамиз самарали натижа беришига ишончим комил.

**Огуз МЕМОЛГЮВЕН,**
**«Юселл» компанияси бош директори:**

— Тошкентга келганимга бир йил ўтган бўлса, аслида уни ҳар доим афсонавий шаҳар деб билганман. Гўзал шаҳар мени бой тарихи, маданияти, анъаналари билан мафтун этди. Шу билан бирга келажакка, замонавийликка интилиб бораётганини ҳам яққол кўриш мумкин. Бу тарихий ва навқирон шаҳарнинг 2200 йиллигига бағишланган бунёдкорлик ишларидан баҳраманд бўлаётганимни эса ўзим учун катта шараф деб биламан.

«Юселл» қисқа вақт ичида миллионлаб ўзбекистонликлар оиласига кириб борди, шу боис унинг имкониятига ортиқча таъриф бериш ўринсиз бўлса керак. Ўтган йилнинг ўзида ўзлаштирган сармояларимиз 200 миллион долларни ташкил этди. Компаниямизда 800 дан зиёд юртингизнинг ўғил-қизлари тегишли олий ўқув юртларида эгаллаган мутахассисликлари бўйича фаолият юритмоқда. Бу «Юселл»нинг Ўзбекистоннинг уяли телефон бозорида ҳал қилувчи рақиблардан яна бирига айланганидан далолат беради. Бундай натижага эришишимиз осон бўлмади, эндиликда бу мақомни ушлаб туриш учун доимий изланишда бўлмоғимиз лозимлигини унутмаяпмиз. Асосий ва ягона мақсадимиз — ҳар доим абонентларимиз манфаати йўлида масъулиятни чуқур ҳис этиш ва фақат шаффоф тарзда иш юритишдир. Биз узоқ муддат шу ерда ишлашга шайланганмиз.

**Хидеки КАКИНУМА,**
**Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг иқтисодий масалалар бўйича масъул ходими:**

— Шарқ дарвозаси дея дунёда ном олган Тошкент шаҳрининг иқтисодий салоҳиятига бағишланган анжуманда Япония ҳукумати ва ишбилармон доираларидан катта делегация қатнашди.

Ўзбекистонга яқинда келганим боис мен учун ҳамма нарса қизиқ. Форум дастури анча кенг бўлишига қарамасдан, уни тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қилдим. Хорижликларга вазирликлар, шаҳар маъмурияти томонидан иқтисодий масалалар бўйича катта аҳамиятга эга лойиҳалар тавсия этилди. Кичик доираларда ўтказилган мажлисларда ҳам, хусусан, пойтахтингиз инфратузилмаси билан танишиш чоғида ўзим учун муҳим маълумотларни тўлиқ олдим, деб ўйлайман. Эндиликда улар асосида элчихона орқали Япониянинг манфаатдор доираларини жалб этган ҳолда алоҳида иш юритсак бўлади.

Шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, давлатларимизнинг кўп жабҳаларда манфаатлари ўзаро мос келади. Ва бунда, ишончим комилки, Буюк Ипак йўлининг аҳамияти катта. Ёш бўлсамда, дипломат сифатида дўстона алоқаларимиз бардавом. ҳамкорлигимиз ҳам кўп қиррали бўлиши учун бор билимимни, қолаверса, барча имкониятларни ишга солишга бел боғлаганман дея оламан...

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**СУРАТЛАРДА: Тошкентнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига бағишланган халқаро бизнес-форумдан лавҳалар; шаҳримизнинг бугунги кундаги чиройи.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

# СИРЛИ ОЛАМ

## Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Япониялик муҳандислар поезд йўлларидаги турли кўнгилсиз ҳодисалар ҳамда тўқнашувларнинг олдини олишда катта ёрдам берувчи янги қурилма ихтиро этдилар. Қурилма инфрақизил нурда ишлайдиган камерадан иборат бўлиб, тунда кўриш имкониятини беради. Шу билан бирга у йўлда турган бир километр узоқликдаги одамлар, ҳайвонлар, машиналар, хуллас ҳарорати бўйича ҳаводан 0,15 даража фарқ қиладиган ҳамма нарса тасвирини локомотивнинг олдинги ойнасига чизиб кўрсатади. Муаллифларининг таъкидлашича, бу янгилик Япония темир йўлларидаги тўқнашувларга мутлақо барҳам бериши, фожеаларнинг олдини олиши аниқ.

● Швейцарияда яратилган митти қурилма, айниқса уй ҳайвонларини асровчи кишилар учун жуда асқотади. Бу электрон мослама ҳайвонлар учун зарар келтирмайди. У ҳайвон териси ичига жойлаштирилади. Унинг ҳажми гуруч донасидек бўлиб, ҳайвонларга ҳеч ҳам ноқулайлик туғдирмайди. Қурилманинг ўзидан махсус кодли сигналнинг таратиб туриши ҳайвон йўқолса уни осонгина топиш имконини яратади.

Олимларнинг аниқлашича, карам таркибида инсон учун энг зарур бўлган юз хилга яқин моддалар мавжуд. Одамлар бу шифобахш ва тўйимли сабзавотдан жуда кўп фойдаланиб келадилар. Унинг инсон саломатлигини мустаҳкамловчи муҳим омил эканлиги ҳақида қадимги Рим табиблари ҳам ёзиб қолдирганлар.

● Япониялик меъмор Тойо Ито Британия қироллиги архитекторлик институтининг Қиролича Виктория томонидан 1848 йил таъсис этилган олтин медалига сазовор бўлди. Бу қарорни ҳозирги қиролича Елизавета II ҳам маъқуллади. Тойо Ито замонамизнинг машҳур меъморларидан биридир. Унинг лойиҳаси асосида Сендай шаҳрида қурилган Медиатека биноси жамоатчилик эътиборини ўзига тортган. Ушбу бино шаффоф кўринишга эга бўлиб, ички деворларга эга эмас. Унда кутубхона, концерт зали, кинотеатр жойлашган. Ҳозирда меъмор Париж, Барселона ва Сингапурда қуриладиган замонавий бинолар лойиҳаси устида ишламоқда.

● Хом ғиштни товуш ёрдамида қуритиш мумкинлиги синаб кўрилди. «Ураниа» журналида берилган хабарга кўра Германиядаги Висмар шаҳрининг техника мактабида яратилган мослама ёрдамида хом ғишт товуш ёрдамида қуритилгани айтилади. Товуш тўлқинлари ёрдамида ғиштнинг кавакларига бўёқ, микроорганизмлардан сақловчи кимёвий маҳсулотлар, елим ёки шунга ўхшаш зарур моддаларни киритиб, қурилиш материалини ўта пишиқлаш мумкин.

● Исроил Қишлоқ хўжалиги академияси мутахассислари оқ рангли янги зайтун навини етиштиришди. Лойиҳа раҳбарининг айтишича, олимлар муайян даражада зайтунлардаги қора рангли пигмент ўсишини тўхтатиш ва шу тариқа овқатланиш учун ишлатиладиган оқ зайтун навини чиқаришга муваффақ бўлишди. Янги мевалар кичик бўлганлиги сабабли ҳозирги пайтда каттароқ оқ зайтунни етиштириш мақсадида бошқа навлар билан селекция ишлари олиб борилмоқда.

● Италиянинг Понса оролида сув остида танаффуссиз туриш бўйича мутлақ рекорд ўрнатилди. Италиялик ғаввозлар — 37 ёшли Стефано Барбарези ва 29 ёшли Стафания Менса ўн кун мобайнида 8 метр чуқурликда бўлдилар. Тарихда биринчи бўлиб шундай уриниш муваффақиятли ниҳоясига етказилди. Ўтказилган ушбу тажриба организмнинг узоқ зўриқиш ва сув босимига бўлган реакциясини ўрганиш имконини беради.

● АҚШнинг космик тадқиқотлар маркази НАСА келажакда космосда никоҳ тўйи ўтказишни режалаштираётганини эълон қилди. Танловга кўра 23 ёшли Дилам Тэйлор ва унинг қаллиғи Хэрприт Матчерлар ғолиб бўлишди. Уларга ҳақиқий космонавтларга мос талаблар қўйилди ва ёшлар буларни юз фоиз камкўстсиз амалга оширдилар. Махсус курс учун уларнинг ҳар бири юз минг доллардан пул тўлади. Коинотда ўтказиладиган тўй космик кемасининг учирилиши яқин фурсатга мўлжалланди. Сайёрамиздан 60 миль баландликда ўтказиладиган ушбу ғаройиб тантанани Британиянинг «Орзумандлар учун жаннат» деб номланган агентлиги уюштирмоқда.

● Рейтер агентлигининг хабар беришича, Голландиянинг сутчилик фермаларида сигирларни робот соғадиган бўлди. Шу янгиликни яратган ва бундай роботларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришган «Газконь Мелотт холдинг» фирмаси вакилининг айтишича, одатдаги-сут соғиш аппаратларидан фарқли ўлароқ, компьютер ёрдамида бошқариладиган робот молхона бўйлаб мустақил равишда юра олади ва инсоннинг ёрдамисиз жониворларни соғади. Электрон сут соғувчи ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни 15 фоиз кўпайтира олади ва унинг ижодкорлари умид қилишларича, сут чорвачилигида инқилоб қилади. Сигирларга келганда, шуни айтиш керакки, улар ўзларининг янги эгасини маъқул кўришларини дастлабки тажрибалар кўрсатди. Жониворлар унга жуда тез одатланиб қоладилар, чунки у сигирларни мунтазам равишда ва ҳафсала билан соғади.

● Япон олими И.Окахата ҳиднинг оғирлигини аниқлашга муваффақ бўлди. У қўш қаватли липиддан фойдаланиб, тўқима мембраналарининг компонентларидан бирида ҳидли моддаларни адсорбция (ютиш) қилиш хусусияти борлигини билиб олди. Бунда нанограммаларни ҳам аниқлай олувчи ўта юқори аниқликка эга кварц кристалларига эга тарозидан фойдаланилди. Ҳидли органик моддлар молекулалари сувдан кўра органик эритувчилар (ёғлар, мойлар) да яхши эриши ҳисобга олингани ҳолда иш кўрилганлиги ҳам аҳамиятли бўлди. Ушбу усулдан косметикада ва озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланиш мумкин.

● Сибирнинг Енисей дарёси юқори қисмларида ўтказилиб келинаётган археологик қазиш кутилмаган натижаларга олиб келмоқда. Майна посёлкаси атрофларида топилган лойдан ясалган ҳайкалчалар ва бошқа қатор буюмлар Давлат Эрмитажидан жой олган. Топилган буюмлар қадимийлиги ва Ўрта Осиё ҳудудида топилган буюмларга ўхшашлиги билан қизиқиш туғдиради. Бу сибирликларнинг Яқин Шарқдан борган кишиларми ёки европаликларми деган саволга жавоб беришини янада қийинлаштиради. Масалан, 1990 йили топилган — «тош ўғир» бундан 11 минг йил олдин ясалган бўлиб, ғалла майдалашда фойдаланилган.

● Донецклик Настя Федоренко бир ярим ёшидаёқ суратга ола бошлаган эди. Ота касбига қизиқиши унинг ёшлигидан бошланди. У уч ёшида шаҳар кўчаларида юриб чиройли манзаралар, ҳамшаҳарлари, жониворлар, боғлар ва табиат кўринишларини суратга тушириб халқаро кўргазмада медаль олишга улгурди. Настя (у 1987 йилнинг 1 апрелида туғилган)нинг дастлабки шахсий фотокўргазмаси у уч ярим ёшга етар-етмасдан ўтказилган.

Ўз-ўзни ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

Ҳадя ҳадя қилувчига яраша бўлади.

* * *

Оқ сочини қаро қилган,
эй ҳийлагар, найрангбоз,
Бўёқларинг ўчар, аммо
кекса ёшинг ўчмайди!

* * *

Мевасиз — тинч, мевали шохлар томон тош отилур.

* * *

Марварид сув остида,
устида оққай хор-хас.

* * *

Тақдирга қарши
эҳтиёткорлик қилиб бўлармиди.

* * *

Ким хато этса, надомат
қилса-ю, юз чекса оҳ,
Не учун унга жазо даркор
ўлур, бўлмай паноҳ?..

* * *

Фироқ кунлари узуну
дийдор тунлари қисқа.

* * *

Кейинги пушаймон, ўзингга душман.

* * *

Ишқнинг маъносини чин
ишқ аҳлидан сўра!

* * *

Васл ҳақида гапирмак
ёр лаълидек ширин.

* * *

Саломнинг қадри бўлмаса, ўтирган тик турган билан ҳам саломлашаверарди.

* * *

Бевафо кишига чиройли хотинни, муҳтож кишига пулни ва оловга ўтинни ишониб бўлмайди, деганлар.

* * *

Душман қанча кучсиз бўлса, ғазаби шунча кучли бўлади.

* * *

Душманингга ҳам яхшилик қил.

* * *

Душман асло дўст бўлмас.

* * *

Ўз душманига ишониш, қўлини илон оғзига солишнинг айни ўзидир.

* * *

Ваъдага вафосизлик қилиш
энг ярамас ишдир.

* * *

Яхшилик қилган киши унга лойиқ мукофот топади.

* * *

Энг яхши хулқли ва энг зўр илмли киши серхавотир ва эҳтиёткор бўлади.

* * *

Охирига етмагунча донoларга уч нарса ҳақида сўзлаш нолойиқ: сафардан қайтмагунча мусофир ҳақида, душманни енгмагунча жангдагилар ҳақида, кўзи ёримагунча ҳомиладор хотин ҳақида.

* * *

Ҳали охири номаълум иш ҳақида одамларга олдиндан сўзлаш нолойиқдир.

* * *

Машойихлар энг улуғ яхшилик шоҳнинг одиллиги, табибларнинг донишмандлиги, олимларнинг етуклиги ва ўз илмига амал қилувчилигидир, деб бежиз айтмаганлар.

* * *

Ёғду билан зулматнинг тенг келиши номуносибдир.

* * *

Илм — ўрганишдан, фикр — тажриба ва синовдан, англаш — тафаккурдан иборатдир.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

# ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

**«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ "2008-2012 ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ АСОСИДА СПОРТ АНЖОМЛАРИ, ИНВЕНТАРЛАРИ ВА АСБОБ УСКУНАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИНИНГ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда тегишли маҳсулот ишлаб чиқаришда жаҳон стандартлари талабларига риоя қилиш, уларни сертификатлашда қўйиладиган талаблар, синовдан ўтказишни метрологик таъминот масалалари, ишлаб чиқарувчи корхоналарда сифатни бошқариш тизимларини жорий қилиш, спорт заллари, майдончалари, сузиш ҳавзаларини зарур анжомлар, асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш борасида қилиниши лозим бўлган вазифалар кўриб чиқилди.

Тадбирда Ўзстандарт агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбарлари ва мутахассислар иштирок этиб, бу борада ўз фикрларини билдиришди.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, маҳсулот тайёрловчи корхона, фирма ва ташкилотларга халқаро стандартларга мос келадиган спорт анжомларини ишлаб чиқариш бўйича кўргазмали, амалий-услубий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилган.

Семинар иштирокчиларига спорт мажмуалари, заллари, майдончалари ва сузиш ҳавзаларини халқаро стандартлар талабига тўлиқ жавоб берадиган спорт анжомлари ва асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш мавзусидаги видеолавҳалар намойиш этилди. Хориж ва мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган халқаро талабларга жавоб берадиган спорт анжомлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

**Рустам ХАЙДАРОВ,
"Туркистон-пресс"**

**ПОЙТАХТДАГИ 1-РЕСПУБЛИКА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИДА "ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛАНИНГ РОЛИ", "ОИЛА ВА НИКОҲ МУҚАДДАСЛИГИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ МУҲИМ БЎЛАГИДИР" МАВЗУЛАРИДА ДАВРА СУҲБАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

# ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

Унда коллеж ўқитувчилари, ўқувчилари ва Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси фаоллари иштирок этди.

Жамиятнинг муҳим бир бўлаги ҳисобланмиш оила юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўзига хос аҳамиятга эга. Шу боис сўнгги йилларда юртимизда оилалар барқарорлигини таъминлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонунчилик тизими тобора мустаҳкамланмоқда.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос маънавиятини мустаҳкамлаш ва юксалтиришда оиланинг аҳамияти беқиёс. Зеро, инсоннинг энг пок туйғулари, муҳим ҳаётий тушунчалари дастлаб худди шу масканда шаклланади. Бугун мамлакатимизда ушбу муҳим бўғинга, айниқса ёш оилаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бир сўз билан айтганда, оила институтини янада такомиллаштириш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг барчаси, аввало ҳар бир оилада соғлом муҳитни яратиш ва албатта ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишга йўналтирилган.

Давра суҳбатида ана шундай фикрлар эътироф этилиб, бу борада сиёсий партияларнинг тутган ўрни хусусида ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди.

–Бу каби тадбирларни ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказилганлиги муҳим аҳамият касб этади, – дейди коллеж ўқувчиси Шоҳиста Тўхтамуродова. – Айниқса, жамиятда оиланинг ўрни ва никоҳ шартномаси ҳақида билдирилган фикрлар бизнинг келгуси, мустақил ҳаётимиз учун ҳам керакли маълумот эканлигини англаб етдик.

Шунингдек, давра суҳбати давомида никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти оила мустаҳкамлиги асослари ҳамда никоҳ шартномаси сингари мавзуларда ўзаро фикр алмашинилди.

Ўзаро қизғин мулоқот тарзида ўтган тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси вакиллари қатор ҳаётий мисоллар орқали жамиятда, ҳаётда хотин-қизларнинг тутган ўрни, айни пайтда уларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш борасида бажарилаётган кенг кўламли ишлар тўғрисида ўз фикрларини билдиришди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
"Туркистон-пресс"**

*Шахмат ҳангомалари*

# ЧЕМПИОННИ ЮТДИ

Шахмат бўйича биринчи жаҳон чемпиони Стейниц Англияда яшаганида камхаржликдан қийналиб, «Гамбит» кафесида шахмат ўйнаб тирикчилик қиларди. Кунлардан бир куни у ҳар бир ютқазилган партия учун бир фунт стерлинг тўлайдиган сахий рақибни топиб олади. Стейниц унга олдиндан отни текинга берар ва ҳар гал ғалаба қозонарди.

Чемпионнинг дўстларидан бири унга агар ҳар гал ютаверса бунақа фойдали рақибдан ажраб қолиши мумкинлигини, шу боис гоҳо ютқазиб ҳам туриш зиён қилмаслигини эслатади. Бу маслаҳат Стейницга жўяли туюлади ва навбатдаги ўйинлардан бирида жўрттага фарзинни текинга бериб, ўз мағлубиятини тан олади. Кейин яна ўйнаш учун сипоҳларни тера бошлайди. Аммо шу лаҳза омади чопган рақиби жойидан сакраб туриб, қувончини ичига сиғдиролмай хитоб қилади:

— Мен чемпионни ютдим! Ниятимга етдим!

У шундай дея кўчага югуриб чиқади ва «Гамбит» кафесини бир умрга тарк этади.

— Хосе Рауль Капабланка-и- Граус-пера.— Ишончлироқ чиқиши учун чемпион исмини тўлиқ айтади.

— Яхши, киринг, — дейди эшикоға тўнғиллаб,— фақат охирги шеригингиз эшикни маҳкамроқ ёпиб қўйсин.

# ФАРЗИНСИЗ ЎЙИН

Жаҳон чемпиони Ласкер поездда кетаётганида купедаги шахмат ишқибози бўлган қўшниси икки партия дона суришни таклиф қилади. Чемпион дам олмоқчи эди, шу боис шахматни яхши ўйнай олмаслигини айтади. Аммо қўшниси қистаб қўймайди, олижаноблик қилиб фарзинни олиб қўйиб ўйнайди.

Ласкер ундан тезроқ қутулиш учун тезгина таслим бўлади. Аммо қўшнисининг кўнгли жойига тушмай, яна сипоҳларни тера бошлайди. Шунда Ласкер бу хира пашшани бир бопламоқчи бўлади.

— Мен ҳаммасини тушундим,- дейди у. — Фарзин фақат халақит беркан, мен ҳам фарзинсиз ўйнайман.

Қўшниси мазах қилиб узоқ кулади, аммо кейинги партияни ютқазгач, ҳангу манг бўлиб қолади. Энди унинг фарзинсиз ўйнаш гали келади, Ласкер яна таслим бўлади. Фарзин билан ўйнаган рақиби нималар бўлаётганини англай олмай, яна тезда мот бўлади. Ахийри ҳаваскор шахматчи гарангсиб, тамомила ўзини йўқотиб қўяди, иш шу билан тугайдики, навбатдаги бекатда ҳамширалар уни замбилга солиб олиб кетишади.

**Шодмон ОТАБЕК
тайёрлаган**

# НОҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТГА ЙЎЛ ЙЎҚ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ СВОЖ ВА ЖДЛКК ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ, НАВОИЙ САВДО ТАРМОҒИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДБИРДА, ХУСУСИЙ ТАДБИРКОР С.УМАРОВ ФУҚАРО Б.ИСАБОЕВ БИЛАН ТЕГИШЛИ ТАРТИБДА РЎЙХАТДАН ЎТИШДАН БЎЙИН ТОВЛАБ, НАЗОРАТ ҚИЛИНМАЙДИГАН ФОЙДА ОЛИШ МАҚСАДИДА, МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ ЎЗЛАШТИРИБ, ЛИЦЕНЗИЯ ОЛИНИШИ ШАРТ БЎЛГАН ФАОЛИЯТ БИЛАН МАХСУС РУХСАТНОМА ОЛМАСДАН ШУҒУЛЛАНИБ, САВДО ЁКИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҚОИДАЛАРИНИ КЎП МИҚДОРДА БУЗИБ ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ КЕЛАЁТГАНЛИКЛАРИ АНИҚЛАНГАН.**

Жумладан, хусусий тадбиркор С.Умаров ва Б.Исабоевлар ўзаро тил бириктирган ҳолда компьютер воситасини ўрнатиб, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиб, фуқароларга ҳар хил хорижий беҳаё видео-лавҳа ва мамлакат ички сиёсатига зид бўлган лавҳаларни ёзиб бериб келаётганликлари аниқланиб, 1 комплект компьютер воситаси далилий ашё сифатида олиб қўйилган.

Бундан ташқари текширув чоғида фуқаро Б.Исабоев фаолият давомида 2007 йилнинг ноябрь ойидан ҳозирги кунга қадар мижозларга жами 7.200.000 сўмлик хизмат кўрсатганлиги, ушбу пул маблағларини хусусий тадбиркор С.Умаровга берганлиги ва ушбу маблағларнинг назорат-касса аппаратидан ўтказилмасдан банкка инкассация қилинмаганлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлигининг хулосасига кўра фуқаро Б.Исабоев томонидан муаллифларнинг ҳуқуқларини бузиб, муаллифлик ҳуқуқи объектларига зарар етказилган ҳамда уларнинг шуғулланиб келган фаолиятлари учун махсус лицензия (рухсатнома) олиниши шартлиги кўрсатилган.

Мазкур ҳолат юзасидан хусусий тадбиркор С.Умаров ва фуқаро Б.Исабоевларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 149-моддаси, 188-моддаси 2-қисми «б» банди, 189-моддаси 2-қисми «б» банди ва 190-моддаси 2-қисми «б» банди билан жиноят иши қўзғатилган.

**Аъзам НОРБЎТАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛКК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


## РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖТИМОИЙ МОСЛАШУВИ МАРКАЗИ

**Қуйидаги вакант (бўш) лавозимларга
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

«Жисмоний имкониятлари чекланган болаларни ижтимоий мослаштириш муаммоларини тадқиқ этиш» лойиҳаси раҳбари;

«Болаларни ижтимоий мослаштиришнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш» лойиҳаси мутахассиси;

«Ахборот-консалтинг хизмати» бош мутахассиси.

Танловда **«Жисмоний имкониятлари чекланган болаларни ижтимоий мослаштириш муаммоларини тадқиқ этиш» лойиҳаси раҳбари** лавозими учун олий маълумотли, психология ёки педагогика фанлари номзоди илмий даражасига, камида 10 йил педагогик иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти психолог, дефектолог, логопед ёки педагог бўлган,

**«Болаларни ижтимоий мослаштиришнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш» лойиҳаси мутахассиси** лавозими учун олий маълумотли юрист, камида 5 йил иш стажига эга бўлган,

**«Ахборот-консалтинг хизмати» бош мутахассиси** лавозими учун танловда эса олий маълумотли психолог, камида 5 йил иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Директор номига ариза.
2. Иш жойидан тавсиянома.
3. Сўровнома.
4. Таржимаи ҳол.
5. Олий маълумот ҳақидаги дипломнинг нусхаси.
6. Илмий даража ва илмий унвон ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаси.
7. Илмий-услубий ишлар рўйхати.
8. 3х4 ўлчамли 4 дона фотосурат.
9. Паспорт (нусхаси).

Ҳужжатларнинг асл нусхалари номзодлар томонидан шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 34-уй
Тел: 281-50-16, 281-50-21**

## «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2009 йил 10 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 18.09.2008 йилдаги 10-0816/12469-сонли буйруғига асосан хатланган, Ҳамза тумани, С.Машҳадий кўчаси 210-уйда жойлашган, «ВМКВ AGROMASH» ОАЖга тегишли, умумий майдони 1447 кв.м. бўлган блок «Т» иншооти қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 131 000 000 сўм.

Мазкур кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. МФО:00901, ИНН:200933850, ҳ/р:20210000500571452105. Манзил Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. www.rkmb.uz.

## ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ АК ФИЛИАЛИ «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I » АБОНЕНТЛАРИ ВА ИНТЕРНЕТ ПРОВАЙДЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА !

Чет эл Интернет провайдерларига қайд этилмаган автоуланиш дастури кўп ҳолларда учраётганлиги сабабли, барча шаҳар телефон линиясига модем алоқаси орқали Интернет тармоғига уланган абонентлар диққатига!

Якка тартибда фойдаланиладиган телефон эгалари телефондан амалга оширилган маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун тўлиқ моддий жавобгарликни зиммаларига оладилар.

**ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА ИШ ЮРИТУВЧИ АБОНЕНТЛАР УЧУН ЭСЛАТМА!**

Бепул интернет тармоғига кириш дея, ўзининг чиройли баннер ва рекламалари билан босқинчилик, терроризм ва беҳаёликни тарғиб этувчи сайтларга кириш тавсия этилмайди.

Бу сайтлар ўзининг ранг-баранг информациялари билан сизни қизиқтиргани ҳолда, компьютерингизга автоматик ҳолатда ҳар хил вирусларни киритади.

Шулардан «Автоуланиш» ёпиқ турдаги дастури бўлиб, у чет эл Интернет провайдерларига автоуланиш дастури билан халқаро ва шаҳарлараро алоқа қўнғироқларини амалга оширади, бунинг натижасида сизга халқаро сўзлашувлар хизмати учун тўлов қоғози келади.

**ТАВСИЯЛАРИМИЗ:**

*— Телефонингизга қўшимча хизмат туридан, парол орқали халқаро ва шаҳарлараро алоқасига чиқиш хизматини ўрнатинг.*
*— Интернетдан фойдаланмаётган бўлсангиз, телефон линиясини модемдан ўчириб қўйинг.*
*— Ташқи модемни ўчиринг.*
*— Абонентларимиз учун Интернетнинг «TShTT» сайтига ўрнатилган «персонал кабинет» орқали паролингизни вақти-вақти билан ўзгартириб туришингизни тавсия этамиз.*

Бундай вирус тарқатувчи дастурлар ҳақидаги батафсил маълумотни Интернет сайтларидан билишингиз мумкин.

Қўшимча хизмат турлари ҳақидаги маълумотларни WWW.TShTT.UZ сайтида, телефон боғламаларидан ва «TShTT»нинг «Маркетинг ва Тарифлар» бўлимидан олишингиз мумкин.

**Маълумот учун телефон: 255-77-17**

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**


«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси жамоаси Тошкент шаҳар транспортини ривожлантиришга ҳисса қўшган раҳбар ходим, меҳнат фахрийси

**Абдулаҳад Абдулҳаевич МАДАЛИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 106

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4512 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 2 6

Топширилган вақти: 13.25